

«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» АСАРИДА БИОМОРФ КОД АСОСИДА ВОҚЕЛАНГАН МЕТАФОРАЛАР

МЕТАФОРЫ НА ОСНОВЕ БИОМОРФНЫХ КОДОВ В ДЕВОНСКОМ СЛОВАРЕ ТУРОК

METAPHORS BASED ON BIOMORPHIC CODES IN DEVONU LUG'OTIT TURK

Г.Розиқова, ФарДУ доценти, ф.ф.н.

Аннотация: Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркий тиллар луғат бойлигини кўрсатувчи бебаҳо манба бўлиб, унда сўзларнинг ўз маъноларидан ташқари, кўчма маънолари ҳам изоҳланган. Мазкур мақолада асарда қўлланган метафоралар когнитив ва лингвокультурологик аспектда таҳлил қилинган.

Калит сўз ва иборалар: метафора, концепт, прагматик сема, маданият кодлари, биоморф код, зооморф код, фитоморф код.

Аннотация: «Дивану лугатит-турк» Махмуда Кашгари является бесценным источником словарного запаса тюркских языков, который объясняет не только значения слов, но и их переносные значения. В статье анализируются метафоры, используемые в произведении, в когнитивном и лингвокультурологическом аспектах, используемым в произведение.

Ключевые слова и выражения: метафора, концепт, прагматическая сема, коды культур, биоморфный код, зооморфный код, фитоморфный код.

Annotation: Mahmud Kashgari's Devonu lug'otit turk is an invaluable source of vocabulary of Turkic languages, which explains not only the meanings of words, but also their portable meanings. This article analyzes the metaphors used in the play from a cognitive and lingvoculturological aspect.

Key words and expressions: metaphor, concept, pragmatic sema, culture codes, biomorphic code, zoomorphic code, phytomorphic code.

Метафора – икки ашё, нарса ўртасидаги аналогияни ҳосил қилишнинг чуқур кириб боровчи яширин жараёнидир, у шундай стратегияки, унинг ёрдамида таниш вазият ёки тушуниб етилган моҳият бошқа нотаниш вазиятнинг устига уни тушуниб етиш мақсадида номланади. Бу – ўзга нарсага ўхшаган бир нарсани кўриш усулидир, бевосита вазиятлараро ассоциацияланувчи тушунчаларнинг бутун бир комплекси орқали кўчишдир [6.120]. Демак, метафора инсоннинг тафаккур ва интеллектуал билимларини ишга солган ҳолда ўхшашликни кўра олиши, уни номлаши, яъни тилда ифодалаш жараёнидир.

И.Привалова метафорани уч майдон: когнитив, лингвистик ва маданий майдонларнинг функционал бирлиги сифатида эътироф этади [11.46]. Чиндан ҳам, метафора мураккаб лингвистик ҳодиса сифатида ўз когнитив ва лингвомаданий асосларига эга. «Тилдаги

сонсиз-саноксиз метафораларни эсга олгандаёқ инсон ташқи дунёни ўз ўлчови, ўз андазаси билан идрок этишини осонлик билан тасаввур қилиш мумкин» [9.56]. Бу эса метафорани ҳозирги тилшунослик тармоқлари саналган когнитив ва лингвокультурологик ёндашувлар асосида тадқиқ қилишни тақозо этади.

Метафора дастлабки тадқиқотларда кўчим тури сифатида эътироф этилган бўлса, когнитив тилшуносликнинг вужудга келиши ва ривожланиши метафорага ҳам когнитив нуқтаи назардан баҳо беришга тўртки бўлди. Метафора когнитив асосга кўра оламни билиш, тушуниш, қўлга киритилган билимларни тилда инъикос эттириш, концептларни лисоний воқелантиришда муҳим ўрин тутди. Оламни когнитив англаш жараёни мураккаб бўлиб, метафора ёрдамида янги концептларни осон ўзлаштириш, ўрганиш имкони вужудга келади. Бунда

онгда мавжуд бўлган бирор концепт ўхшашлик асосида бошқа бир концептнинг тушунилишига хизмат қилади. Метафораларнинг когнитив асосга эга бўлиши зарурлиги унинг инсон тафаккури билан боғлиқ мураккаб ва кенг қамровли ҳодиса эканлигини англатади. Тилимиз тарихида қадим замонларда қўлланган метафоралар ўша давр кишиларининг фикрлаш қобилияти, ақл-заковати, маданиятини воқелантирувчи воситалардан саналади.

Луғатда қўлланган кўчма маъноли лексемаларни таҳлил қилиш туркий сўзларнинг кенг семантик имкониятларини ёритиш ва улардаги маъновий ўзгаришларни кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Метафора бошқа кўчим турларига нисбатан асар матнида фаол қўлланган бўлиб, у туркий халқларнинг бой заковати, дунёни ўзига хос тарзда кўриш ва ифодалаш тарзи ҳақида муҳим маълумотлар беради.

Лингвокультурологияда маданий ёки лингвомаданий кодлар асосий тушунчалардан саналади. «Маданият кодлари – бу тил вакилларининг моддий ва маънавий оламини маданий маконда тасвирлаш ҳамда борлиқни концептуаллаштириш усули бўлиб, инсоннинг қадимий архетипик тасаввурлари билан уйғунлашган» [2.305]. Лингвомаданий кодлар метафораларда ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Инсон доимо атроф-муҳит, табиат билан алоқада умр кечиради, бу тилда ҳам ўз аксини топади. Биоморф код орқали шаклланган метафоралар тил тарихида қўлланган кўчма маъноли сўзларнинг қайси ҳайвон ёхуд ўсимлик номи воситасида юзага келганини ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, қизиқарли маълумотларни кузатиш имконини беради.

«Маданиятнинг биоморф коди инсоннинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳамда бу дунёлар билан кесишган нуқтада жойлашган бестиарийлар (ҳайвонлар ва умуман, табиат тўғрисида маълумотлар жамланмаси) дунёси ҳақидаги тасаввурларини намоён

этади»[4.247]. Инсон табиат-олам ҳақидаги тасаввурларини биоморф кодлар орқали метафораларда намоён қилади. Зеро, метафора образли фикрлаш воситаси сифатида бирор концепт моҳиятининг осонроқ тушунилишида ёрдам беради.

«Девон»да келтирилган аксарият метафоралар биоморф кодли асосга эга бўлиб, зооморф кодли ва фитоморф кодли метафоралар ёрдамида кўплаб мақоллар ҳам шаклланган. Тилда метафорага лингвокультурологик бирлик (лингвокультурема) сифатида қаралади. Дарҳақиқат, метафораларнинг воқеланиши нафақат лингвистик, балки тил соҳибларининг ижтимоий турмуш тарзи, дунёқараши, ҳайвонот ва наботот олами билан ўзаро муносабати каби жиҳатлар билан алоқадор ҳодисадир. Масалан, қадимда туркийларнинг кўчманчиликка асосланган турмуш тарзи, уларнинг ҳаётида чорвачилик, деҳқончилик, овчилик, ҳунармандчилик каби соҳаларнинг асосий фаолият тури эканлиги метафораларнинг ҳам шу асосда яратилишига сабаб бўлган. Кейинчалик эса инсонлар ҳаёт тарзининг ўзгариши тил луғат фондида ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Зооморф коднинг параметрлари кўпинча миллий рамзлар мақомини оладиган ва миллатнинг аллегорияси вазифасини бажарадиган, ўрнатилган этник стереотиплар тизими билан боғлиқдир [5]. «Девон»да келтирилган зооморф кодли метафоралар худди шу параметрларнинг тил тарихидаги ҳолатини намоён этади.

Метафорада предметларнинг ранг, шакл, ҳажм, таъм, характер-хусусият ҳаракат-ҳолат жиҳатдан ўхшашлигига асосланилади. Демак, икки предмет ўртасидаги ранг ўхшашлиги ҳам метафорик маъно ҳосил бўлишининг муҳим омилларидандир. Луғатда қуш номлари изоҳланар экан, қара қуш бир ўринда «бургут» [7.226], яна бир ўринда «қирғий» деб изоҳланган [8.240]. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қорақуш «қарғасимонлар оиласига мансуб

парранда; қора патли чўл бургути» [14.34] маъносида берилган. «Девон» муаллифи қара қуш ҳақида изоҳ берар экан, бу ифода Муштарий юлдузига нисбатан ҳам қўлланилишини алоҳида таъкидлайди: «қара қуш тугдї – муштарий юлдузи чиқди, демақдир. У тонг вақтида чиқади». Ўғузлар туя оёқларининг учига ҳам «қара қуш» дейдилар [7.226].

Муштарий юлдузининг қара қуш деб номланишида космонимнинг метафорик ифодаланишини кузатамиз. М.Жўраев Тарози юлдузи деганда ажодларимиз Орион юлдуз тўпини назарда тутишгани, Орион туманлигида юлдузлар кўп бўлса-да, уларнинг фақат учтаси, яъни қатор бўлиб бир чизикда тизилиб турадиган учта юлдузи қадимдан одамлар эътиборини ўзига жалб этиб келгани ҳақида маълумот беради. «Қадим замонларданоқ осмон жисмларининг ҳаракатини кузатиб келган одамлар Муштарийнинг ёрқинлиги ва ёруғлигига эътибор берганлар, унинг гоҳ ярим тунда, баъзан тонг отар маҳал, гоҳида эса қуёш ботгандан кейин ҳали тун пардаси замин уза тўла ёпилмасдан туриб яраклаб чиқишини кузатганлар [1.137]. Демак, келтирилган изоҳлардан маълум бўладики, қатор бўлиб бир чизикда тизилиб турадиган учта юлдуз инсонлар кўзига учта қуш каби кўринган. Бундан ташқари, Муштарийнинг гоҳ ярим тунда, баъзан тонг отар маҳал, гоҳида эса қуёш ботгандан кейин ҳали тун пардаси замин узра тўла ёпилмасдан туриб чиқиши, яъни бу сўз таркибидаги «қоронғу» семаси уни айнан қора қушга ўхшатишга асос бўлган. Чунки қоронғу сўзи таркибида «қора» семаси бор. «Тарози юлдузига «Қорақуш» номи берилганлиги, яъни самовий жисмнинг жонивор номи билан аталганлиги бежиз эмас. Чунки бу юлдузларни қирғизлар Тараза жылдыз, Уч аркар, Чидер жылдыз каби номлар билан атайдилар. Мифда айтилишича, овчиларнинг қўлидан фақат учтагина архар қочиб қутулибди. Тангри уларни кўкка олиб чиқиб, юлдузларга айлантириб қўйибди. Шундан бери бу юлдузлар Уч аркар деб юритилади» [1.134].

Демак, бундан кўринадик, қадимда нарса-буюмларни номлашда зооморф коднинг алоҳида ўрни бўлган.

«Девон»да ўғузлар туя оёқларининг учига ҳам «қара қуш» дейишлари ҳақида маълумот берилади [7.226]. Нима учун туя оёқларининг учига «қара қуш» дейишларининг сабабини изоҳлаш учун туя оёқлари ҳақида манбаларда берилган маълумотларга мурожаат қиламиз: «Туя оёғи юз томони 1 см.дан қалинроқ ва у қисми пайлардан иборат бўлиб, доимо намланиб туради. Шунга ўхшаш қон томирлари ҳам ўша икки қават терини (қора рангли тери ва унинг остидаги қават) керакли озук билан таъминлайди. Бу жараён оёқнинг ҳароратини тартиблаштиришда аҳамиятли роль ўйнайди» [10]. Демак, туя оёғининг юз қисмидаги қора рангли тери ва ундаги бармоқлар тизилиб турган қора қушларга ўхшатишган.

اسرى асрї – қоплон; икки рангли чипор ипга асрї јїшїғ дейилади. Икки рангдаги ҳар бир чипор нарсага ҳам, қоплон рангига ўхшагани учун асрї дейилган. Қоплон «мушуксимонлар оиласига мансуб, мўйнаси қалин сарғиш тусли, қора ҳалқа доғлари (холлари) бор йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон » [14.334] бўлиб, бу сўз таркибида мавжуд бўлган сарғиш ва қора ранглар, яъни «икки хил ранг» семаси бошқа предметларнинг ҳам асрї (қоплон) дейилишига сабаб бўлган.

Метафора орқали маъно кўчишида коннотатив маъно ёрқинроқ акс этади ва бунда сўзловчининг прагматик мақсади ифодаланади. Характер-хусусият ўхшашлиги ҳам метафора ҳосил бўлишида муҳим ўрин тутди. Қадимда ҳам инсонлар турли ҳайвон ва жониворлар номлари билан аталган, бунда ҳам маълум асослар бор. Ажодларнинг фарзандларини номлашларида ўша ҳайвон, жонивор ёки қушда мавжуд бўлган «чаққонлик, қўрқмаслик, ботирлик» каби хислатлар мотивловчи асос бўлган. Буни Маҳмуд Кошғарий ҳам алоҳида таъкидлайди: لچن лачїн – лочин. Бу йиртқич қушлардандир. Ботир йигитларни ҳам лочин дейдилар. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу

сўзнинг йиртқич қушлар туркумининг чаққон ҳаракатли бир тури эканлиги, шунинг учун ҳам овчилар уни қўлга ўргатиб, қуш овлашлари кўрсатилади [13.510]. Кўринадики, сўз «қуш», «йиртқич», «чаққон ҳаракатли» каби семаларга эга бўлиб, ҳосила маъно юзага келишида, яъни ботир йигитларнинг ҳам лочин деб аталишида сўз таркибидаги «чаққон ҳаракатли» семаси асос бўлган. Ёки «баҳайбат йиртқич ҳайвон» маъносидаги *арслан* «арслон» сўзининг шоҳларга нисбатан қўлланилишида бу сўзнинг кўчма маъноси: «забардаст, кўркмас, довюрак» маъноси юзага чиққан [8.273].

Қазуңуқ сўзи «қозик» маъносини англатган. Маҳмуд Кошғарий берган изоҳга кўра, Қутб юлдузини *Тэмүр қазуңуқ* деб атаганларининг сабаби шундаки, осмон унинг устида айланади [8.254]. Темир қозик юлдузи қутбга жуда яқин бўлганидан юлдузлар гўё унинг атрофида айлангандек ва бунда у қўзғалмай тургандек туюлади. Шу боис унга Темир қозик (Олтин қозик, Қутб юлдузи) деб ном берилган [15].

Ерга қоқиш учун мўлжалланган ёки қоқилган, учи ўткир ёғоч ёки темир [14.323] буюм – қозик, асосан, қорамолларни боғлаш вазифасини бажаради. Қозикқа боғланган жониворлар ҳеч қаёққа кета олмай, ана шу қозик атрофида айланади. Хўжалик ҳаёти чорвачилик бўлган қадимги туркийлар Қутб юлдузининг юлдузлар гўё унинг атрофида айлангандек ва бунда у қўзғалмай тургандек туюладиган ҳолатини чорва молларининг қозик атрофида айланиши ҳолатига ўхшатганлар. Темир қозик юлдузининг номи ана шу ўхшатиш маҳсули сифатида юзага келган.

Лингвокультурологик кодлар миллий хусусиятга эга. Ҳар қандай этномаданият ва этнотил ташувчиси ёшлигидан ушбу кодларни она тили билан бирга ўрганади [3]. Инсон туғилгандан бошлаб дунёни англаб экан, унда янги билимларни ўзлаштириш, маълумот йиғиш, онда бирор концептни яратиш жараёнида ижтимоий омиллар билан бир қаторда,

биологик омиллар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бирор ўсимликнинг номини ўхшаш хусусиятлари орқали бошқа нарсга номига нисбатан қўллаш фитоморф код ёрдамида метафора ҳосил бўлишини таъминлайди.

Қадимда касалликлар фитоморф кодлар асосида ҳам номланган. Тиббиётга оид جَبْقَان *чипқан* истилоҳи аслида жилон жийдани ифодалаган. Маҳмуд Кошғарий бунини шундай изоҳлайди: «Чипқон яраси қизилликда жилон жийдага ўхшагани учун шундай аталган». Демак, изоҳдан кўринадики, чипқон ярасидаги қизил ранг унинг жилон жийда номи билан аталишига асос бўлган. «Терининг тукли қисмида, кўпинча бўйин (энса соҳаси), юз, бел, думба, сон ва бошқа жойларга чиқадиган чипқон дастлаб думалоқ, конуссимон, қизғиш тугунча шаклида бўлиб теридан кўтарилиб чиқади» [12]. Семема таркибидаги «қизғиш» семаси ва жилон жийданинг рангидаги ўхшашлик асосида ҳосила маъно вужудга келган.

Маҳмуд Кошғарий اَتْفَاق *атфақ* сўзини изоҳлар экан, унинг уч маънода қўлланилишини таъкидлайди: «атфақ – қоринда сариқ сув йиғилиш касаллиги, қуланж. Сариқ рангдаги бир турли ўсимликка ҳам *атфақ* дейдилар. Қайғудан ранги сарғайганларга ҳам *атфақ* дейилади». Бизнингча, бу сўзнинг биринчи маъноси «сариқ рангдаги бир турли ўсимлик»дир. *Атфақ* сўзининг кейинги маънолари ўсимлик сўзи таркибида мавжуд бўлган «сариқ ранг» семаси асосида ҳосил қилинган. Ўсимлик таркибида мавжуд бўлган «сариқ ранг» қуланж касаллиги туфайли қоринда тўпланадиган сувнинг ранги билан бир хил бўлганлиги учун касаллик ҳам ўсимлик номи билан аталган. Ёки инсоннинг бирор нарсдан қайғуриши натижасида ҳам унинг ранги сарғайиши мумкин. Бу эса ўсимлик номини англатувчи *атфақ* сўзининг яна бир кўчма маъноси юзага чиқишига сабаб бўлган.

چَقْرُو *чэwжў* сўзи қуйидаги семалардан иборат: «дарахт», «тоғларда ўсади», танаси қизил», «шоҳлари қизил», «донининг ранги қизил», «таъми

аччиқ», «шохлари юмшоқ». Шохларининг юмшоқлиги дарахт номи билан хотинларнинг бармоқлари аталишига асос бўлган, яъни хотинларнинг юмшоқ бармоқлари чэижу сўзи билан аталган.

Хулоса қилиб айтганда, «Девону луғотит турк»да қўлланган метафораларни ўрганиш бу ҳодисанинг тарихий асосларини белгилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев М. Туркий халқларнинг юлдузлар билан боғлиқ астромифологик тасаввурлари//Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ахборотномаси. –Нукус. 2018.№2. –Б. 134-138.
2. Исмаилов Ғ. Туркий тиллар фразеологизмларида маданият кодларининг лисоний мақоми. Материалы III форума гуманитарных наук «Великая степь». –Астана, 2018. – Б.302-312.
3. Киреева И.И. Особенности лексической комбинаторики английского лексико-фразеологического поля «флора»//<https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-leksicheskoy-kombinatoriki-angliyskogo-leksiko-frazeologicheskogo-polya-flora>
4. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. –М.: ИТДГК «Гнозис», 2002.
5. Масленникова Е.М. Кодовая организация художественного текста: жесткость и свобода//<https://cyberleninka.ru/article/n/kodovaya-organizatsiya-hudozhestvennogo-teksta-zhestkost-i-svoboda>.
6. Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол.фан.номз. ...дисс. – Қарши, 2018.

ТУРЛИ ТИЗИМГА МАНСУБ ТИЛЛАРДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИК

ПОЛИФУНКЦИОНАЛЬНОСТЬ В РАЗНОСИСТЕМНЫХ ЯЗЫКАХ

POLYFUNCTIONALITY IN MULTISYSTEM LANGUAGES

Д.А.Ганиева, Андижон давлат
университети докторанти

Annotatsiya: Maqolada birlamchi va ikkilamchi funksiya, polifunksionallik tushunchalarining tilshunoslikka kirib kelishi, til birliklarining nutqda polifunksional tabiatini namoyon etishi turli tizimga mansub tillar misolida tahlil qilinadi.

Kalit soʻzlar: sinkretizm, polifunksionallik, birlamchi funksiya, ikkilamchi funksiya, transpozitsiya, nutqiy qurshov, sifatdoshning sinkretik tabiati, predikativ funksiya.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы возникновения в языкознании понятий первичной и вторичной функции, полифункциональности, анализированы проявления полифункциональной природы языковых единиц на в примере разнотсистемных языков.

Калит сўзлар: синкретизм, полифункциональность, первичная функция, вторичная функция, транспозиция, речевой контекст, синкретивная природа причастия, предикативная функция.

Abstract. The article discusses the issues of introduction of notions of primary and secondary functions to the linguistics, polyfunctionality, and of the manifestation of polyfunctional nature of language units in the speech process in the example of multisystem languages.